
УЧКЎПРИКДА 41-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИНИНГ 220 ЎРИНЛИ ЯНГИ БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” арафасида Учкўприк туманидаги 41-умумтаълим мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали тадбирда вилоят мутасадди ташкилотлари ҳамда туман секторлари раҳбарлари, депутатлар, жамоатчилик фаоллари, ота-оналар, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирок этдилар.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров жорий йил 20 апрелда ҳудудда яшовчи аҳоли мурожаати асосида ушбу мактабда бўлиб, ҳолатни ўрганган ҳамда масъулларга таълим муассасасига 220 ўринли қўшимча бино қуриш ва капитал таъмирлаш жараёнларини тез ва сифатли амалга ошириш билан боғлиқ кўрсатма берганди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг топшириғи билан мактаб ўқувчилари учун 12x24 ҳажмдаги спортзал қуриш учун вилоят маҳаллий бюджетидан 2 миллиард сўм маблағ ажратиб берилганди.

Янгидан барпо этилган ушбу таълим маскани биноси ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, устозлар учун ўзига хос совға бўлди. Бу ерда ўқувчиларнинг замонавий билим олиши учун барча шароит ва имкониятлар муҳайё этилган. Қулай шароитларга эга спортзал қурилиши ҳам яқунланиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилди.

41-умумтаълим мактаби биноси 1983 йилда қурилган бўлиб, 220 ўринга мўлжалланган мазкур таълим масканида 391 нафар ўқувчи икки навбатда таълим олаётган эди.

Давлат инвестиция дастури доирасида қисқа муддатда мазкур мактаб учун 220 ўринли янги ўқув биноси қурилди, шунингдек, мавжуд 220 ўринли ўқув биноси мукамал таъмирланди. Мазкур ишларни амалга ошириш учун 4 миллиард 883 миллион сўм маблағ сарфланди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-12-24 12:36:01